

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА
ПИКОВИТ® ФОРТЕ

Препаратнинг савдо номи: Пиковит® форте

Дори шакли: пастилкалар

Таркиби:

1 пастилка қуйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар:

А витамини концентрати, синтетик
мойли шакли (1,7 ММЕ/г)

2,94 мг

Холекальциферол концентрати, мойли шакли
(1 ММЕ/г)

0,40 мг

Аскорбин кислотаси

60,00 мг

Тиамин монокитрати

1,50 мг

Рибофлавин

1,70 мг

Пиридоксин гидрохлориди

2,00 мг

Цианокобаламин 0,1% маннитолда

6,00 мг

Никотинамид

20,00 мг

Фолат кислотаси

0,40 мг

Кальций пантотенати

10,00 мг

Альфа-токоферол ацетат, 50 % гранулят

30,00 мг

ёрдамчи моддалар: маннитол, аспартам, мандарин ароматизатори, полисорбат 80, глицерол, канақунжут мойи, суюқ малтитол (қуруқ моддага қайта ҳисобланганда), магний стеарати, Капол 600 Фарма, повидон, сувсиз коллоид кремний диоксиди, титан диоксиди (E171), бетакаротен (E160a), малтитол.

Таърифи: думалоқ, икки томони қабарик зарғалдоқ рангли пастилкалар.

Фармакотерапевтик гуруҳи: поливитаминлар.

АТС коди: A11BA

Фармакологик хусусиятлари

Пиковит® форте пастилкалари 7 ёшдан бошлаб ва катта болалар учун тавсия қилинган суткалик дозаларга мувофиқ миқдорларда 11 энг муҳим витаминларни сақлайди.

Фармакодинамикаси

В гуруҳи витаминлари (B₁, B₂, B₆, B₁₂, пантотен кислотаси ва никотинамид) карбонсувлар, оксиллар ва ёғларнинг метаболизмида иштирок этади. Фолат кислотаси қон ҳужайраларининг нормал регенерацияси ва тўғри фаолияти учун зарур. А витамини эпителиал ҳужайраларнинг ривожланиши ва кўриш пигментининг синтези учун зарур. D витамини кальцийнинг тушишини бошқаради ва суяклар ва тишларнинг тўғри минерализациясига ёрдам беради. С витамини темирнинг сўрилишини тезлаштиради ва организмда кўпчилик оксидланиш-қайтарилиш жараёнларида иштирок этади. Е витамини физиологик антиоксидант бўлиб, ҳужайраларнинг мембраналарини химоя қилади ва ҳужайраларнинг фаолиятини тутиб туради.

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ПИКОВИТ® ФОРТЕ

Препаратнинг савдо номи: Пиковит® форте

Дори шакли: пастилкалар

Таркиби:

1 пастилка қуйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар:

А витамини концентрати, синтетик

мойли шакли (1,7 ММЕ/г) 2,94 мг

Холекальциферол концентрати, мойли шакли

(1 ММЕ/г) 0,40 мг

Аскорбин кислотаси 60,00 мг

Тиамин мононитрати 1,50 мг

Рибофлавин 1,70 мг

Пиридоксин гидрохлориди 2,00 мг

Цианокобаламин 0,1% маннитолда 6,00 мг

Никотинамид 20,00 мг

Фолат кислотаси 0,40 мг

Кальций пантотенати 10,00 мг

Альфа-токоферол ацетат, 50 % гранулят 30,00 мг

ёрдамчи моддалар: маннитол, аспартам, мандарин ароматизатори, полисорбат 80, глицерол, канакунжут мойи, суюқ малтитол (қуруқ моддага қайта ҳисобланганда), магний стеарати, Капол 600 Фарма, повидон, сувсиз коллоид кремний диоксиди, титан диоксиди (E171), бетакаротен (E160a), малтитол.

Таърифи: думалоқ, икки томони қабарик зарғалдоқ рангли пастилкалар.

Фармакотерапевтик гуруҳи: витаминлар.

АТС коди: A11BA

Фармакологик хусусиятлари

Пиковит® форте пастилкалари 7 ёшдан бошлаб ва катта болалар учун тавсия қилинган суткалик дозаларга мувофиқ миқдорларда 11 энг муҳим витаминларни сақлайди.

Фармакодинамикаси

В гуруҳи витаминлари (B₁, B₂, B₆, B₁₂, пантотен кислотаси ва никотинамид) карбонсувлар, оксиллар ва ёғларнинг метаболизмида иштирок этади. Фолат кислотаси қон ҳужайраларининг нормал регенерацияси ва тўғри фаолияти учун зарур. А витамини эпителиал ҳужайраларнинг ривожланиши ва кўриш пигментининг синтези учун зарур. D витамини кальцийнинг тушишини бошқаради ва суяклар ва тишларнинг тўғри минерализациясига ёрдам беради. С витамини темирнинг сўрилишини тезлаштиради ва организмда кўпчилик оксидланиш-қайтарилиш жараёнларида иштирок этади. Е витамини физиологик антиоксидант бўлиб, ҳужайраларнинг мембраналарини ҳимоя қилади ва ҳужайраларнинг фаолиятини тутиб туради.

Пиковит® форте пастилкалари кариеснинг ривожланишини чақирмайдиган қанднинг ўрнини босувчилар-малтитол, маннитол ва аспартам сақлайди.

Фармакокинетикаси

Сувда эрувчи витаминлар (В гуруҳи витаминлари, С витамини ва биотин) организмнинг суткалик эҳтиёжига мувофиқ келувчи миқдорларда жуда яхши сўрилади. Тўқималарнинг тўйиниш даражасидан юқори миқдорларда сийдик ва, камроқ даражада ўт-сафро билан чиқарилади. Бу витаминларни мунтазам қабул қилиш тўқималарда зарурий концентрацияларни тутиб туриш учун муҳим, чунки улар организмда чекланган миқдорда тўпланади.

Ичга қабул қилинганидан кейин ёғда эрувчи А ва D витаминлари ёғлар иштирокида ингичка ичакда яхши сўрилади. Е витаминининг сўрилишини тўлалиги камроқ (дозанинг 25-85%). Ёғда эрувчи витаминларнинг юқорироқ миқдорлари жигарда тўпланади ва шунинг учун, сувда эрувчи витаминларга қараганда захарлироқ ҳисобланади.

Қўлланилиши

Пиковит® форте пастилкаларини организмнинг витаминларга юқори эҳтиёжи бўлганида ва етарли бўлмаган ва мувозанатланмаган овқатланишда қабул қилиш тавсия этилади.

Бу ҳолларга қуйидагилар киради:

- мактаб ёшидаги болаларда зўриқиш ва диққатни жамлашни етарли эмаслиги;
- жисмоний юклама (шу жумладан спорт билан шуғилланиш);
- сифатсиз ва мувозанатланмаган овқатланиш (инфекцияларга қаршилиқни пасайиши);
- иштаҳани пасайиши ёки йўқлиги;
- антибиотиклар билан даволаниш;
- янги сабзавотлар ва меваларни мавсумий етишмовчилигида қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Пиковит® форте пастилкалари тўлиқ эригунича оғизда тутиб турилади.

7 ёшдан катта болаларга 1 пастилкадан кунига бир марта, овқатдан кейин қабул қилиш тавсия этилади.

Иштаҳа пасайганида Пиковит® форте пастилкаларни 2 ой давомида, барча бошқа ҳолларда Пиковит® фортени 1 ой давомида йилига 2 - 3 марта қабул қилиш керак.

Ножўя таъсири

Пиковит® форте билан даволашда пайдо бўлувчи ножўя таъсирлари аъзолар тизими бўйича ва пайдо бўлишининг тез-тезлигига қараб мувофиқ гуруҳларга таснифланади:

- жуда тез-тез ($\geq 1/10$),
- тез-тез ($\geq 1/100$ дан $\leq 1/10$ гача),
- тез-тез эмас ($\geq 1/1000$ дан $\leq 1/100$ гача),
- кам ($\geq 1/10000$ дан $\leq 1/1000$ гача),
- жуда кам ($\leq 1/10000$),
- номаълум (бор бўлган маълумотлар асосида тез-тезлигини аниқлаш мумкин эмас).

Ҳар бир гуруҳ чегарасида препаратнинг ножўя самаралари аҳамиятининг камайиши тартибида берилган.

Тери ва тери ости клетчаткаси томонидан бузилишлар

- жуда кам: ўта юқори сезувчанлик реакциялари (масалан, тошма, қичишиш).

Овқат ҳазм қилиш йўллари томонидан бузилишлар

-жуда кам: метеоризм, диарея, хусусан белгиланганидан аҳамиятли юкори дозалар қўлланганида.

Иммун тизими томонидан бузилишлар

- номаълум: анафилактик реакциялар.

Ўта юкори сезувчанлик реакциялари пайдо бўлганида даволашни тўхтатиш ва мутахассисга мурожаат қилиш керак.

Оғир ножўя реакциялар пайдо бўлганида препаратни қабул қилишни тўхтатиш керак.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препаратнинг компотентларига юкори сезувчанликда.

A ва D гипервитаминозида қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Препарат кальций сақлайди ва шунинг учун ичакда тетрациклин гуруҳи антибиотиклари, шунингдек антимикроб воситалар - фторхинолонларнинг ҳосилалари ва холестераминнинг сўрилишини кечиктиради.

Махсус кўрсатмалар

Пиковит® форте пастилкаларини 7 ёшгача бўлган болаларга бериш тавсия этилмайди.

14 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар бу маҳсулотни фақат шифокор ёки фармацевтнинг тавсияси бўйича қабул қилишлари мумкин.

Бошқа витаминли ёки витаминли-минералли препаратлар билан бирга қўллаш олдидан мутахассис билан маслаҳатлашиш керак.

Қандли диабетни бўлган беморлар Пиковит® форте пастилкаларини қабул қилишлари мумкин, бунда бир таблетка тахминан 0,8 г мальтитол сақлашини унутмасликлари керак. Мальтитолнинг метаболизми учун инсулин керак, лекин секин гидролизи ва меъда-ичак йўлларида сўрилиши туфайли, инсулинга эҳтиёж кам. Бундан ташқари, мальтитолнинг энергетик қиймати (10 кДж/г, ёки 2,4 ккал/г) сахарозага қараганда аҳамияти кам.

Пиковит® форте малтит ва суюқ малтит сақлайди. Фруктозани ўзлаштираолмасликнинг кам учрайдиган наслий касаллиги бўлган пациентларга, Пиковит® фортени қабул қилиш тавсия этилмайди.

Пиковит® фортенинг таркибига фенилаланин сақловчи аспартам кирази, шунинг учун препаратни фенилкетонурияси бўлган пациентлар қабул қилишлари тавсия этилмайди.

Глицеролнинг катта дозалари бош оғриғи ва меъда-ичак бузилишларини чақириши мумкин.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланиши

Ҳомиладор аёллар ва эмизувчи оналар Пиковит® фортени фақат шифокор ёки фармацевт билан маслаҳатлашгандан кейин қабул қилишлари мумкин.

Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Пиковит® форте автомобил ёки потенциал хавфли механизмларни бошқариш қобилиятига таъсир қилмайди.

Дозани ошириб юборилиши

Пиковит® фортенинг дозасини ошириб юборилиши пайдо бўлишини эҳтимоли кам. Препаратни жуда юқори дозаларда давомли қўллаш (1 ойдан кўпроқ), А ва D гипervитаминозини чақириши мумкин.

Юқори дозаларда давомли қўллаш периферик невропатия чақириши мумкин.

Маннитол ва мальтитол ширинлаштирувчилари меъда-ичак йўлларида ёмон сўрилади.

Юқори дозаларда улар диарея ва метиоризм чақиришлари мумкин. Суткада 60 г дан кўпроқ мальтитол (Пиковит фортенинг 75 пастилкалари) ёки 10 г маннитол (Пиковит фортенинг 75 пастилкалари) қабул қилинганида сурги самараси пайдо бўлади.

Чиқарилиш шакли

15 та пастилкадан ПВХ /ПВДХ /ПВХ фольгали ва алюминий фольгали блистерда. 2, 3 ёки 4 та блистердан (15 пастилкадан) тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутига жойланади.

Яроқлилиқ муддати

3 йил.

Яроқлилиқ муддати ўтгач қўлланилмасин.

Сақлаш шароити

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда, намлик ва ёруғликдан ҳимояланган жойда сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи

КРКА, д.д., Ново Место, Шмарьешка цеста 6, 8501 Ново Место, Словения.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситасининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили

“КРКА, д.д., Ново место” нинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколтахонаси

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Афросиёб кўч., 14

Тел.: +99871 150 2828, +99871 150 2929, телефакс: +99871 150 1044